Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 4 ЯНВАРЬ, ШАНБА

№ 1 (5598).
Баҳоси сотувда 35 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1992 йил 2 январь 1-сон қарори

1992 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва товарларни фақат республика фуқароларига сотиш учун шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида аҳолига сўмларда ҳақ тўлаш билан бирга купонлар бўйича товарлар сотиш жорий қилинсин.

2. «Товарларни купонли карточкалар билан сотиш, уларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжаликлар 1992 йилнинг 4 январигача банкларнинг тегишли муассасаларига, 1991 йилнинг декабридаги иш ҳақи сўммаси ҳисобидан, унинг 1992 йилда ошишини назарда тутган ҳолда 2-иловага ҳамда «Товарларни купонли карточкалар билан сотиш, уларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низомга мувофиқ, зарур миқдордаги купонларга талабномалар тақдим этсинлар.

Ўзбекистон давлат банки бошқа республика банклари билан биргаликда тақдим этилган талабномаларга мувофиқ, зарур миқдордаги купонлар беришни таъминласин.

Республика ҳудудидаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар хўжаликлари 1992 йил 9 январгача ишловчиларга, пенсионерларга, студентларга ва бошқа тоифадаги фуқароларга купонлар беришни таъминласинлар.

4. Болалар озиқ-овқатига муҳтож 2 ёшгача бўлган болаларни таъминлашни яхшилаш учун 1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бу товарларни врач рецепти бўйича бериш жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болаларига текин болалар овқати бериш учун махсус бланкаларда бериладиган рецептлар, болалар овқатига муҳтож бўлган, қолган болаларга эса оддий рецепт бланкаларида рецептлар беришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув аҳолига болалар овқати сотишни врач рецепти бўйича ташкил этсинлар.

Белгиланснинки, бугунги кунда талон бўйича ва энг юқори нархларда сотиладиган айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиш, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай турлари купонларсиз, 3-иловага мувофиқ, амалга оширилади. Бунда қиймати 5 минг сўмдан ортиқ бўлган товарлар аҳолига купонлар билан бир вақтда ҳисоб-китоб чеклари ва чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириқномаси бўйича пул ўтказиш йўли билан сотилиши мумкин.

5. Белгиланснинки, купонлар миқдори даромадлари қайд этилган шахсларга 2-иловага мувофиқ табақалаштирилган шкала бўйича берилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ва йил учун иш якунлари бўйича узил-кесил иш ҳақи олувчи ходимлар учун, 2-иловада назарда тутилган шкалани ҳисобга олган ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақидаги тенг миқдорларда купонлар берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, «Ўзкооптайёрловсавдо», Ўзбекистон Республикаси Давлат банки, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки товарларни республика чек дафтарчалари ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича сотиш қоидаларини тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат банки, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Тошкент полиграфия комбинатининг ижарачи корхонаси 1992 йилнинг 1 чорагида республика чек дафтарчаларини ва ҳисоб-китоб чекларини 1992 йил учун зарур миқдорда тайёрлашни таъминласинлар, бунда 1992 йилнинг апрель ойидан бошлаб улар бўйича сотиладиган товарларнинг турларини кенгайтириш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси:

1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бозор фондининг 40 фоизгача ҳажмидаги автобензинни тижорат нархлари бўйича сотишни жорий қилсин;

автобензиннинг тижорат савдосини амалга оширувчи автоёнилғи қуйиш станцияларининг сонини ва жойлашишини аниқласин.

Белгиланснинки, автобензинни тижорат нархларида сотишдан олинадиган қўшимча тушумларнинг 90 фоизи республиканинг давлат бюджетига, 10 фоизи эса Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитасига ажратилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат бош солиқ бошқармаси автобензинни тижорат нархлари бўйича сотиш, тижорат нархлари белгилаш ва тижорат бўйича сотишдан олинган даромадлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низомни тасдиқласинлар.

Автобензинга тижорат нархлари белгилаш ва уни қайта кўриб чиқиш республика комиссияси тасдиқлансин, унга сотиш нархлари ўзгаришига қараб, автобензин учун тижорат нархларига, 4-иловага мувофиқ тезлик билан аниқликлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Мазкур қарорни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купон системасини жорий қилиш Республика комиссиясининг таркиби тасдиқлансин (5-илова).

11. Ушбу қарорни бажариш мақсадида корхоналар, муассасалар ва хўжаликларнинг раҳбарлари тегишли хизматларнинг 1992 йилнинг 4 ва 5 январдаги дам олиш кунларида ишлашини ташкил этсинлар, кейинчалик уларни Қонунда белгиланган тартибда компенсация қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси жойларда ушбу қарорнинг оғишмай амалга оширилишини таъминласинлар, бунинг учун аҳоли ўртасида зарур ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадио қўмитаси, ЎзТАГ, республика газеталари муҳаррирларини ушбу қарордан келиб чиқадиган қоидаларни кенг тушунтириш бўйича кўрсатувлар, эшиттиришлар ва материаллар туркумини ташкил этишни назарда тутсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш комплексларнинг раҳбарларига — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарларига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

(Вазирлар Маҳкамаси қарорига иловалар газетанинг учинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЭРКИН НАРХ БЕЛГИЛАШ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ДОИР ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Нарх-наво ҳамон ошиб бораётганини ва шу муносабат билан аҳоли манфаатларини ҳамда турмуш даражасини ҳимоя қилиш зарурлигини эътиборга олиб:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, давлат муассасалари ва уй-жой-коммунал тармоқ ходимларининг иш ҳақи 1991 йилдагига нисбатан 2 баравар ва асос қилиб олинган (1990) йилга нисбатан 4,5 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари студентларининг, техникумлар ҳамда жумҳурият ҳукуматининг қарорларига биноан кийим-кечак ва овқат билан таъминламаётган ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг стипендиялари 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 2,2 баравар оширилиб, имтиёзли овқатланишга қўшимча ҳақ аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг кам миқдори (компенсацияни ҳисобга олиб) ойига 350 сўм белгилансин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг кам миқдори ойига 350 сўм ҳажмида белгилансин.

5. Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва хўжаликлар ушбу Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи ва меҳнат нафақасини ҳисобга олиб, эркин ва шартномавий нархлардан кенг фойдаланилаётганлигини назарда тутиб, 1992 йилда ишловчиларнинг иш ҳақи янада оширилишини таъминловчи тадбирларни рўёбга чиқаришни, истеъмол фонди бўйича илгари белгиланган ҳар қандай чеклашларни бекор қилишни, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг мавжуд захираларини жалб этишни кўзда тутсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчилари, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги 1990 йил 13 ноябрь Фармони 1992 йил 1 январидан бошлаб жумҳурият мактабгача тарбия, болалар муассасалари ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячиларига, ўқитувчиларига, ҳунар-техника таълими системаси муаллимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳам жорий этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини тайёрласин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунчиликни мазкур Фармонга мувофиқлаштириш ҳақида таклифлар тайёрласин.

9. «Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 16 ноябрь 291-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 29 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси 1992 йил 4 январда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЯЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 декабрь.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида қараб чиқиш учун қўйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум якунлари ҳақидаги маърузаси.

2. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимни ҳамда протоколни ратификация қилиш ҳақида.

3. «Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ва Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикасининг иқтисодиёт ва савдо-сотиқ соҳасидаги битимини маъқуллаш ҳақида.

4. Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Грузия Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Украинанинг давлат мустақиллигини тан олиш тўғрисида.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил биринчи кварталига мўлжалланган фавқулодда бюджети тўғрисида.

6. «Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

7. «Ўзбекистон Республикасида алоқа тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

8. «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

9. «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Сессияда кўриб чиқиш учун бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

«Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни» лойиҳаси муҳокамада

ҲУЖЖАТ ДЕГАНИ МУКАММАЛ БЎЛСА...

«Қонун» лойиҳасининг биринчи моддасида айтилишича, давлатимиз халқ таълими соҳасида мустақил сиёсат юритади. Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихий тажрибаси, миллий-маданий анъаналари ҳисобга олинади, таълим ижтимоий ривожланишнинг устун соҳаси деб эълон қилинади. Бу жумҳуриятдаги ҳар бир фуқаронинг манфаатига, орзу-умидларига мос келади.

Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари миллий-маданий ва умумиинсоний қадриятларнинг устунлиги, таълим муассасаларини эркин танлаш; таълим тизимининг бирлиги, узлуксизлиги ва изчиллиги каби тамойилга асосланиш республикамизда таълимнинг жаҳон даражасига тенглашишига имкон яратади, деб ўйлаймиз.

Қонун лойиҳаси матнини янада такомиллаштириш мақсадида бизнинг қуйидаги мулоҳазаларимиз эътиборга олинишини истар эдик:

1. Тўртинчи модданинг еттинчи абзацида «барча давлат таълим муассасаларида фуқароларнинг илм олиши бепуллиги, айрим ҳолларда шартнома асосида пулли таълимга йўл қўйилади» дейилган. Фикримизча, ўқиш-ўқитиш, таълим олиш ва таълим бериш ҳеч қачон бепул, яъни маблағ сарфламасдан амалга оширилмаган ва амалга ошириб бўлмайди ҳам.

Афсуски, инсон руҳиятида текин нарсанинг қадрига етмаслик қусури бор. Шунинг учун ҳам кўпчилик болалар, ҳатто айрим ота-оналар ҳам боласининг ўқиб маълумот олиши учун давлат пул сарфлаётганини англамайдилар. Натижада болаларнинг анчагина қисми ўз имконияти даражасида тузукроқ билим олмайди, ўқув ашёларини қадрламайди. Мактаб мулкига бефарқ қарайди, уни исроф қилади.

Шунинг учун халқ таълими ҳақидаги Қонунда ҳар бир боланинг таълим олиши учун сарфланаётган пулларни давлат ота-оналарга қарзга беради. Бола яхши ўқиса давлат берган қарзларини кечади; бола ўз имкониятидан кўра ёмон ўқиса ёки сабабсиз ўқишни ташлаб кетса, унинг ўқиши учун давлат сарфлаган пулларни тўлиқ ёки қисман давлатга қайтаради, деб кўрсатиш лозим.

2. «Қонун» лойиҳасининг 8-моддасида: Халқ таълимига раҳбарлик давлат-жамоат тусида бўлади, давлат бошқарувини, вазирлар маҳкамаси, халқ таълими, маҳаллий Советлари амалга оширадилар, деб жуда тўғри кўрсатилган. Маълумки, кейинги ўн йилликларда халқ маорифини бошқариш соҳасида ҳам маъмурий буйруқбозлик кучайиб, бошқарувда демократик тамойиллар оёқ ости қилинган эди. Шунинг учун ҳам маданият ва маориф бўйича ноҳия, шаҳар советлари ҳузурида тузилган депутатлик ҳайъатларининг роли пасайиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Улар мактабларнинг моддий-маънавий аҳволини яхшилайдиган бирорта ҳам қарор чиқара олмас, чиқарганда ҳам бу қарорни бирор ташкилот бажармас эди. Натижада мактаблар ҳам, депутатлик комиссиялари ҳам корхона ва жамоа хўжаликларидан хайр-эҳсон, садақа сўрайдиган даражага тушиб қолдилар. Бу аҳволни ўзгартириш, депутатлар комиссиясининг ролини ошириш учун Ё-модданинг «Халқ депутатларининг маҳаллий Советлари, уларнинг идоралари:..» деган жойда қуйидаги жумлани ёзиб қўйишни таклиф этамиз: «Ноҳия, шаҳар совети ҳузурида тузилган халқ таълими бўйича мавжуд депутатлар комиссиясининг фаолиятига тажрибали педагоглар, корхона, давлат ва жамоа хўжаликлари ва бошқа муассасаларнинг вакиллари жамоатчилик асосида маслаҳат овози билан жалб этилиши лозим. Улар (депутатлар комиссияси) шу ҳудудда умумий таълимни ривожлантириш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан корхона ва муассасалар, мактаблар учун қонун кучига эга бўлган қарорлар чиқаради ва унинг бажарилишини назорат қилиб боради».

(Давоми 2-бетда).



ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Сир эмаски, болалар боғчасига бўлган эҳтиёж ниҳоятда катта. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида қурилиш ишлари тобора кенг миқёсда амалга оширилаяпти. Биз мустақил жумҳуриятимизнинг порлоқ келажагини мақсад қилган эканмиз, бу хушхабарнинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, биз энг аввало ўзимизни эмас, балки фарзандларни ўйлашимиз даркор.

Яқинда Акмал Икромов ноҳиясидаги Ўрикзор мавзесида янги, барча шарт-шароитлар муҳайё этилган «Коморон» номли 603-болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ноҳия халқ таълими бўлими мудири А. Йўлчиев фикрича, 159-қурилиш трестига қарашли 69-қурилиш бошқармасининг моҳир қурувчилари томонидан барпо этилган бу шинамгина боғча ширин-шакар болажонлар учун ажойиб янги йил совғаси бўлди. Айниқса, фарзандларининг эртанги кунидан хотиржам бўлган ота-оналар беҳад қувондилар. «Коморон» боғчасининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда мудира Гулираъно Йўлдошева янги йил туҳфаси учун барча мутасадди кишиларга чексиз миннатдорчилик билдирди. Тантана сўнгида ажойиб дилрабо концерт намойиш этилди. Ёшларнинг севимли қўшиқчиси Достон Убайдуллаев ўз ёқимли овози билан барчани хушнуд этди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Мухбиримиз.
Суратқаш С. ҚОРАБОЕВ.

ҲУЖЖАТ ДЕГАНИ МУКАММАЛ БЎЛСА...

(Боши 1-бетда).

Лойиҳанинг 9-моддасида, яъни «таълим муассасаларини бошқаришда жамоалар ва жамоатчиликнинг қатнашуви» ҳақида гап юритилганда «Ўқув юрти, таълим муассасасига бевосита раҳбарликни энг қобилиятли мутахассислар орасидан тайинланадиган ва уставга мувофиқ равишда иш олиб борадиган мудир, директор(ректор) ёки бошқа раҳбар амалга оширади» дейилган. Бу — ўша ўзини оқламаган маъмурий-буйруқбозлик усулини қайта тиклаш деган гапдан бошқа нарса эмас. Тўғри, кейинги йилларда бу соҳада демократик сайлов принципини амалга ошириш чоғида айрим келишмовчиликлар, гуруҳбозликлар, «бировнинг оти ўтгунча, ўзимнинг тойим ўтсин» қабилида уринишлар, директор ёки ректор сайловини ўз фойдасига буришга уринувчи гуруҳлар бўлди. Лекин бундан шошма-шошарлик билан хулоса чиқариш, айрим жузъий далиллар асосида жаҳон тажрибасида, кўп асрлар давомида ўзини оқлаган бошқарувнинг демократик принципидан воз кечиш тўғри эмас. Бу бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдириш билан баробар. Шунинг учун биз лойиҳанинг 9-моддасида қуйидаги жумлани ёзиб қўйишни таклиф этамиз: «Мактаб мудири, директори (ректори) Низом асосида ўқув юртини жорий фаолиятини, ўқув-тарбия, молия-хўжалик ишларини бошқаради ва бу ишларнинг аҳволи учун жавоб беради. Мудир, директор, ректор одатда демократия принципи асосида олий маълумотли ёки илмий даражали, камида уч йиллик педагогик стажга эга бўлган энг қобилиятли педагог ходимлар орасидан танланади ва ўқув юрти кенгашида ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Директорликка, ректорликка номзод танлаш ва уни сайлаш масаласида ўқув юрти жамоасида норозилик, келишмовчилик мавжуд бўлган тақдирда уни халқ таълими бўлими, вазирлик танлайди ва тайинлайди».

4. «Таълимнинг илмий асослари» деб номланган 12-модда жуда бўш ёзилган ва мустақил жумҳуриятда халқ таълимини ривожлантириш талабларига жавоб бера олмайди. Бу моддани биз қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз: «Ўзбекистонда халқ таълимини жаҳондаги илғор мамлакатлар даражасига кўтариш учун жумҳуриятда педагогика, психология, методикаларга доир илмий тадқиқотларнинг ҳажми ва савиясини ошириш талаб этилади. Бу соҳадаги ишларни ҳозирги замон педагогика ва психология илми ютуқларини халқ таълими тизимига мунтазам жорий эта боришни кўзлаб ташкил этиш назарда тутилади. Шу билан бирга педагогика, психология, методикага доир илмий тадқиқотларда Ўзбекистоннинг тарихий, миллий-маданий хусусиятлари асос қилиб олинади. Ўзбек халқ педагогикасига ва шарқ халқлари педагогикасига, ўтмишда Ўрта Осиёда яратилган бой илмий-педагогик меросни холисона илмий тадқиқ қилишга катта ўрин берилади. Бу соҳада тарихий тажрибадан таълим-тарбия ишида ижодий фойдаланиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Таълимнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва уни халқ таълими системасига мунтазам жорий этиб бориш учун Ўзбекистонда Педагогика фанлари академиясини тузиш мақсадга мувофиқ. Бу Академия жумҳуриятда педагогика, психология ва методикага доир илмий тадқиқотларни ташкил этувчи ва бирлаштирувчи бош муассаса бўлади.

Ўзбекистон Педагогика фанлари академияси Қори-Ниёзий номли педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, ҳунар-техника таълими бўйича мавжуд илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғистон педагогика илмий-тадқиқот институти; шунингдек, дорилфунунлар, педагогика институтлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларидаги педагогика, психология, методика кафедраларидаги педагог ходимларнинг илмий-тадқиқот соҳасидаги фаолиятини йўналтиради, бирлаштиради, координация қилади. Ўрта мактаблар, ҳунар-техника ва ўрта махсус ўқув юртларидаги илғор, новатор ўқитувчиларни педагогик илмий-тадқиқот ва тажриба ишларига кенг жалб этади».

5. «Таълим тўғрисида Ўзбекистон республикаси қонуни» лойиҳасидан қуйидаги ғояларга ўрин берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

а) хусусий (мустақил) мактаблар очиш ғояси. Давлат корхоналарининг бир қисми хусусий мулк қилиб берилмоқда. Пудрат жамоалари ва фермер хўжаликлари вужудга келмоқда. Уларда ишловчиларнинг манфаатдорлиги ортгани туфайли хўжасизлик, эгасизлик камайиб, меҳнат унумдорлиги ортмоқда. Иқтисодий соҳада яхши самара бераётган бу йўл халқ маорифи соҳасида ҳам оқилона жорий этилса, яхши самара бериши мумкин. Шу йўл билан мактаблардаги хўжасизлик, эгасизлик, лоқайдлик, масъулиятсизлик каби иллатлар камайиши, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг болаларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида масъулияти ортиши мумкин. Қолаверса, Ўрта Осиёда инқилобгача таълим-тарбия асосан хусусий мактабларда берилган. Шунинг учун давлат мактабларининг бир қисмини мустақил мактабларга ёки хусусий мактабларга айлантириш лозим. Бу ғоя жумҳурият ҳукумати томонидан маъқулланса, дастлаб ноҳия, шаҳар Советининг қарори билан моддий базаси ўртачароқ, таълим-тарбия ишлари паст даражада деб ҳисобланган мактаб ёки билим юрти ташаббускор, ишбилармон, новатор (ёки илмий даражали) педагог ихтиёрига кредитга, қарзга ёки бошқа бирор тарзда берилади. Ноҳия, шаҳар бюджетидан бир болага бир йилда қанча маблағ (пул) сарфланиши аниқланади. Масалан, Қарши шаҳрида 1992 йилда бир ўқувчига бир минг сўм пул шаҳар бюджетидан сарфланади. Мактабдор ота-оналарнинг аризасига биноан ўқувчилар қабул қилади. Ўқувчилар сонига қараб ноҳия, шаҳар бюджетидан тегишли маблағ мустақил мактаб ҳисобига ўтказилади. Ота-оналар Совети, педагоглар кенгаши тузилади. Ота-оналар ва педагоглар Советининг қарори билан ота-оналар ҳам моддий имкониятлари даражасида мактабга ҳар бир бола учун белгиланган миқдорда пул тўлайдилар.

Мактаб мустақил (хусусий) ўқув юрти сифатида эълон қилинади. Мактабдор ота-оналар ва педагоглар совети билан маслаҳатлашиб таълим-тарбия, хўжалик ва бошқа масалаларни ташкил этади, уюштиради. Мактабдор шартнома асосида ўқитувчилар танлайди, маошни ҳам ўзи белгилайди. Бундай мактаблар дастлаб тажриба сифатида ташаббускор, ишбилармон педагоглар бор жойларда очилади. Ҳамма жиҳатдан тўла мустақилликка эга бўлади. Фақат халқ таълими бўлимининг инспектори ўқув-тарбия ишларининг мазмуни ва йўналишини давлат стандартига мос келишини назорат этиб боради. Битириш имтиҳонида халқ ва давлат вакили албатта қатнашади.

Бу соҳада ривожланган мамлакатлардаги хусусий (мустақил) мактабларнинг тажрибасидан ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бир неча йил ўтгач, хусусий мактаблар тажрибаси умумлаштирилиб, жумҳурият Олий Кенгаши махсус қонун қабул қилиши, хусусий мактаблар бирлашмасини тузиш мумкин.

Ишончимиз комилки, ҳар бир шаҳар ва ноҳияда хусусий мактаб очишни истовчи ижодкор ўқитувчилар топилади ва мустақил жумҳуриятимизда бундай мустақил мактаблар сони йил сайин орта боради. Улар давлат мактабларига соғлом рақобатчи бўлади. Натижада давлат мактабларининг ҳам ўқитувчилари состави, таълим-тарбия ишлари яхшиланишига туртки бўлади. Бу, мавжуд давлат мактабларини, «бепул», «текин» таълим-тарбия бераётган мактабларни инқироздан чиқариш йўлларидан биридир.

б) диний илмни умумий таълим мактабларида ўқитиш ғояси. Ислом дини қабул қилингандан буён ўтган бир минг икки юз йилдан ортиқ даврда Ўрта Осиёдаги мактаблар ислом дини ва дунёвий илмларни ёшларга ўргатувчи хусусий ўқув юрти сифатида мавжуд бўлди. Ислом дини ва диний мактаблар ўтмишда одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, ҳалоллик, поклик, инсоф, эътиқод каби хислатларни, шунингдек ёмон хулқ ва хатти-ҳаракатлардан кишини тийиш каби ижобий сифатларни халққа сингдириши ҳаётда синалган. Лекин шу билан бирга ислом дини ва феодал тузум халқимизнинг фан-техника ва иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилиб, дунёдаги бошқа халқлардан ижтимоий тараққиётда орқада қолишига сабаб бўлди. Айниқса, илм-фан, ҳунар-техника таълими ривожланишига салбий таъсир этди.

Октябрь инқилобидан сўнг черков давлатдан ва мактаб черковдан ажратилди, диний таълим ва тарбия бериш таъқиқланди. Ўзбекистонда ташкил этилган совет мактаблари ёшларга фан асосларини ўргатиш соҳасида маълум ижобий натижаларга эришди. Жумҳуриятимизда техника тараққий этишига йўл очилди. Ўрта махсус ва олий ўқув юртлари кўпайди, мутахассис кадрлар тайёрлаш миқдори ошди. Лекин жамият маънавий таназзулга юз тутди. Мансабпарастлик, порахўрлик, уюшган жиноятчилик, чайқовчилик, ўғрилик, қиммат-чилик каби иллатлар пайдо бўлди. Одамлар ўртасидаги муносабатларда шафқатсизлик, мунофиқлик, иккиюзламачилик, ёлғончилик, эътиқодсизлик, худосизлик, беҳаёлик авж олди. Сўнгги йилларда жамиятда илмнинг қадри, ўқитувчининг мавқеи пасайиб кетди, мактаб, ундаги таълим-тарбиянинг таъсири камайди.

Диний таълим ва тарбия жамият ва мактабнинг барча муаммоларини ҳал этади, катталар ва ёшларнинг ҳаммасини тўғри йўлга солади, деб ўйлаш соддалик бўлар эди. Шунингдек, диннинг, ислом илмининг инсонга таъсирини, кишининг ўзини бошқариши, тийиши, одоби, хулқига, тарбиясига ижобий таъсирини инкор этиш, рад этиш ҳам мантиққа тўғри келмайди.

Ислом дини, қуръон ва ҳадислар инсон маданиятига, жаҳон маданиятига қўшилган муҳим ҳисса эканлиги кўпчилик мамлакатларда аллақачон тан олинган. Илм-фан, санъат, адабиёт сингари ислом илми ҳам умуминсоний қадриятлар қаторида мактабда ёшларга ўргатилиши кўп мамлакатлар тажрибасида ўзини оқлаган. Ислом хурофот ва ақида сифатида эмас, балки инсон маданияти, мусулмон одоби, эътиқоди, ислом илми сифатида ўзбек умумий таълим миллий мактабларида ҳам ўқитилиши лозим.

Албатта, Ўзбекистоннинг миллий мактабларида исломдан дарс беришдек масъулиятли ишни чаласавод муллаларга топшириб бўлмайди. Бунинг учун аввало ислом илми, қуръон ва ҳадислардан миллий мактабда нималар ўқитилиши, қандай формада ўқитилишини тегишли мутахассислар (педагоглар, қуръоншунос файласуфлар, мадрасаларнинг мударрислари...) иштирокида сулмон одоби, эътиқоди, ислом илми белгиланган дастурда ўқита оладиган муаллимлар тайёрлаш, дарсликлар чиқариш керак бўлади.

Шу мақсадда тараққий этган қўшни мусулмон мамлакатларида туркий халқларда ёшларга берилаётган диний таълим ва тарбиянинг тажрибасини ўрганиш, ундан ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

в) Мактабни қўшимча маблағ билан таъминлаш ғояси. Ўрта умумий таълим мактабларини маблағ (пул билан) таъминлашнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобланади. Шу билан бирга мактабга тегишли тармоқлардан белгиланган тартибда маблағ ажратилиши мумкин. Мактаб жамоаси ташаббуси билан ишбилармонлик асосида уюштирилган тадбирлардан тушадиган даромадлар ҳам мактаб ихтиёрида қолдирилади.

Октябрь инқилобигача мактаб ва мадрасалар ихтиёрида вақф ерлари бор эди. Вақф еридан ҳар йили келган даромадни мадраса ўз харажатлари учун белгиланган тартибда сарфлаган. Бизнингча, бу тарихий тажрибадан, яъни мактабларга қўшимча даромад манбаи сифатида ер ажратиб бериш ғоясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун ноҳия ижроия Советининг қарори билан мактабга суғориладиган, ҳосилдор ерлардан 5—10 гектар, лалми ёки яйлов ерлардан 50—100 гектар ер ажратилиб, мактаб жамоасининг мулки сифатида белгилаб қўйилади. Мактаб жамоаси бу ердан қандай фойдаланиши, қанча даромад олиш ва қаерга сарфлашни ўзи мустақил ҳал этади.

Ўзбекистон жумҳуриятида бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан каттароқ корхоналар ҳам хусусийлаштирилмоқда. Саноат корхонаси (завод, фабрика, цех) жойлашган ердаги мактабга шу корхона акциясидан (мулкидан) бир қисми, масалан, 100—500 минг сўмлик акция мактаб мулки қилиб ажратиб берилиши лозим. Натижада мактаб жамоаси корхонанинг шерик — эгасига айланади, корхонадан олинадиган даромаднинг ёки маҳсулотнинг тегишли қисми ҳар йили мактаб ҳисобига ўтказилади. Мактаб ўқувчилари корхонанинг эгаси сифатида ота-оналари ёнида ишлаб чиқаришда қатнашишлари учун ҳам йўл очилади.

«Таълим» изоҳини педагогика фанидатор маънода қўллаш ўқитувчилар, педагоглар орасида кенг оммалашганини назарда тутиб, Қонун лойиҳасининг номини «Ўзбекистон республикасида халқ таълими тўғрисида қонун» деб аташни таклиф этамиз.

М. ОЧИЛОВ,
Д. ШОДИЕВ,
Қарши педагогика институтининг профессорлари.

Сўнгги кунларда болаларга мактаб ёшиданоқ маълум бир соҳа ҳақида батафсилроқ тушунча бериш ишлари анча жонланди. ТошДД қошида ташкил этилган физика, математика ва химия-биологик фанларига ихтисослашган мактаб-интернатида ҳам бу борада қилинаётган юмушлар тахсинга лойиқ.

Тасвирда: мактаб ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Умарали ХУШВАҚТ суратлари.

Мулоҳаза

ТАЪЛИМДАГИ ИККИ СИР

Иқтисодий танглик кечаётган бир пайтда мактаблардаги аҳвол ҳам мураккаблашмоқда. Мактабларимизда ечимини кутаётган муаммоларнинг қалашиб ётганлигини инкор этиш инсофдан бўлмаса керак. Чунончи, ўқув масканларининг етишмаслиги, дарсликларнинг камлиги ҳамда эскириб қолганлиги, моддий маблағнинг йўқлиги, техник жиҳозларнинг таъминланмаганлиги — бундай мисоллар рўйхатини давом эттираверишмумкин. Афсуски, таълим даргоҳларида муаммолар кўпайгани сари, ўқувчиларнинг сабоқ олишлари ҳам, одоб-ахлоқлари ҳам кун сайин сусайиб бормоқда.

Яхшиси, мана шу муаммо хусусида фикр юритайлик. Аввалдан айтиш керакки, эҳтимол, мулоҳазамиз кимларгадир оғир ботиши, дилини ранжитиши ҳам мумкин. Бироқ фикрлашдан кўзланган мақсад, педагогларни ранжитиш эмас, балки айни кунда мактабда бўлиб турган жараённи қандай бўлса, шундайлигича ёритишдир.

Маълумки, ўтган йиллар мобайнида сохта шиорлар, узундан-узоқ чақириқлар билан жамиятнинг ҳақиқий башарасига лой чаплаб келдик. Лекин хулосалар шуни кўрсатяптики, бу сохталикларнинг барчасида ҳам фақат ўзимиз алдандик. Ёшлар тарбияси ҳам, сабоқ бериш услуби ҳам замон билан «ҳамнафас» бўлиб бораверди. Энг ачинарлиси, ана шу даврда муаллимликнинг ачиқ нонидан тотиб кўрмаган, педагогиканинг машаққатли сўқмоқларидан юрмаган кимсалар бирин-кетин халқ таълими тизими сари одимлаб келаверди. Бунинг оқибатида астасекин мактабда ёшларга таълим бериш икки тоифага ажралиб кетди. Ўз-ўзидан маълумки, аҳвол бу даражада бўлгач, ўқитувчилар орасида ҳам айрибошлаш, аниқроғи, таълимни қайси даврда ўқувчи онгига сингдириш мунозараси авж олди. Ўқув советларида, мактабнинг катта-кичик йиғинларида биринчи тоифадагилар, таълимни бошланғич синфда амалга ошириш лозим деса, иккинчиси эса, юқори синфда ўтиладиган фанлар асосий бўлиб, талабчанликни ҳам кўпроқ шу синфларда дарс берадиган ўқитувчилар ёки ўқитувчиларнинг ўзи ёки ота-оналар ва ёшлар ўртасидаги ихтиёрий ҳакамлик суди ҳал этиши, ва, ниҳоят, ҳар бир нарсани ўз номи билан тўғри идрок қилиш қобилияти сусайиб боради. Ва шу билим билан у иккинчи босқичга ўтади.

Статистик маълумотларда қайд этилишича хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Япония, Германия каби давлатларда ворисларни илк босқичданоқ ҳар томонлама саводли, пухта билимли қилиб тайёрлашга алоҳида аҳамият берилади. Натижада мактабни тугатган ўқувчи кўпчилик мутахассислар билан бемалол баҳслаша оладиган даражада етишиб чиқади. Бизда эса, афсуски, у даражага етиб олиш учун ҳали кўп вақт керак бўлади.

Энди мунозаранинг иккинчиси, у қуйидагича: ўқувчи амаллаб бошланғич поғонани ўтиб бўлгач, юқори синфларга кўчиришади-ю, мендан кетганлардан сўраш керак дейишди. Мантиқан олиб қаралганда бу мунозаранинг ҳар иккиси ҳам ўз йўналиши бўйича тўғри эди. Лекин...

Мунозараларга илмий нуқтаи назардан ёндошилса, чигалликнинг бош сабабчиси, чунончи, ўқувчининг илмсиз бўлиб қолаётганлиги, айнан шундан бошланганди. Фикр исботли бўлиши учун мунозаранинг ҳар иккаласига ҳам алоҳида тўхталсак. Биринчиси шундай: ўқувчи илк бор мактабга қадам қўйганда кўпинча аёл муаллим қўлида тарбия олади. Чунки жумҳуриятмактабларида бошланғич синф ўқитувчиларининг 95 фойизи аёл муаллимларни ташкил этади. Ўз-ўзидан аёнки, биринчи синфда ўқувчига билим бераётган муаллим ҳеч қачон тўртинчи синфгача сабоқни олиб боролмайди. Сабаби, истаймизми, йўқми у оналик таътилига чиқиши табиий ҳол. Демак, иккинчи ёки учинчи синфдан бошлаб бошқаси унинг ўрнини босишига тўғри келади. Ўқувчи эса биринчи муаллимга ўрганиб қолган. Мабодо иккинчиси ҳам аввалгисидай яхши дарс берса, нур устига аъло нур. Бироқ унинг тескариси бўлса, ўқувчининг ҳолига «вой» деяверинг. Кўриниб турибдики, биринчи босқичдаёқ ўқувчига фан қирралари: ёзиш, ўқиш, товушларни талаффуз этиш

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 1-илова

КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА ТОВАРЛАРНИ СОТИШ, УЛАРНИ БЕРИШ, САҚЛАШ, ҲИСОБГА ОЛИШ, ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купонли карточкалар* 1992 йилнинг 1 чораги учун ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилади.

2. Купонли карточкалар товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берадиган бир марта фойдаланиладиган ҳужжатдир.

* Бундан кейин купонлар деб аталади.

II. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ ТАРТИБИ

3. Давлат савдоси, тижорат, матлубот кооперацияси тизимида, шунингдек, уларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи товар алмашув операциялари бўйича ва валютага сотиб олувчи ва уларни ўз ходимларига сотувчи корхоналарда ва ташкилотларда купонлар бўйича мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида кўрсатилганлардан ташқари озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари сотилади.

Купонлар билан тўлаш товарлар қийматини мавжуд пул белгилари билан тўлаш билан бир вақтда карточкадан купонларнинг эквивалент суммасини қирқиб олиш йўли билан амалга оширилади.

4. Қуйидагилар купонларсиз сотилади:

мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари;

умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари;

ҳарбий қисмлар (муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига), колониялар ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ҳудудида жойлашган магазинлардаги товарлар;

тижорат нархлари бўйича сотиладиган нефть маҳсулотлари;

фойдаланилган материаллар ва эҳтиёт қисмлар қиймати ҳам қўшилган ҳар хил хизматлар кўрсатиш;

5. Купонлар билан бир вақтда, чеклар, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириғига кўра уларнинг банк муассасаларидаги шахсий счётларидан пул ўтказиш йўли билан республика аҳолисига қиймати 5000 сўмдан кўп бўлган товарлар сотилади.

6. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқаларнинг чакана савдо шохобчаларидан нақд пулга купонсиз товар сотиши тақиқланади. Карточкасиз купонлар ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган купонлар ўтмайди.

7. 50 тийинга тенг бўлган ва ундан кам қиймат бўйича харид учун ҳисоб-китоб купонсиз амалга оширилади. Сўм ва тийинда ифодаланган харид учун ҳисоб-китоб купон билан тўланаётганда йириклаштириш қоидаларига кўра сўм ҳисобида тегишли суммагача йириклаштирилади (50 ва ундан кам бўлган тийин кам томонга, 51 ва ундан кўп тийин кўп томонга).

8. Савдо корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида, шунингдек, автоёқилғи қуйиш станцияларида купонлар кесиб олиш ва қадаб қўйиш билан тўланади, улар ўзларининг номинал қийматлари бўйича гуруҳларга ажратилади ва иш куни давомида корхонанинг моддий жавобгар шахсида (сотувчи, кассир, кассир-назоратчи), корхонада товарларнинг сотилиши учун масъул бўлган шахсда сақланади.

9. Магазинларнинг сотувчилари, шунингдек, корхоналарда ва ташкилотларда амалга ошириладиган алмашув операциялари натижасида ва валюта учун олинган товарларни сотиш учун масъул бўлган шахслар савдодан олинган тушумни сўм ва купон билан икки томонлама ҳисоблаб чиқадилар. Купонлар қатъий ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

10. Тушум суммасининг сўм ва купон ҳисобида бирбиригa тўғри келиши учун масъулият савдо корхонасининг раҳбари зиммасига юклатилади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган фарқ фоизи тегишли банк органлари билан келишилган ҳолда юқори савдо ташкилоти томонидан белгиланади.

11. Банк муассасаларида тушган купонларни ҳисобга олиш, унинг ҳаракати ва топшириш тартиби Ўзбекистон Давлат банки, Саноат қурилиш банки, Деҳқончилик саноат банки, Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, «Ўзкооптайёрловсавдо» ва Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилади.

III. КУПОНЛАРНИ ФУҚАРОЛАРГА БЕРИШ ТАРТИБИ

12. Купонлар:

асосий иш, ўқиш, хизмат жойидан, пенсиялар, ўтказилган пуллар олинадиган алоқа бўлимлари ва тегишли банклардан;

шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган ва ўз маҳсулотини топширувчи шахсларга — умумий асосларда тегишли ташкилотлар томонидан;

ҳарбий хизматчилардан бўлган пенсионерларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга — банк муассасаларидан;

корхоналар ва ташкилотлардан стипендия олувчи студентларга — фақат ўқиш жойидан берилади.

Иш ҳақи тўлашга банк муассасаларидан нақд пул олмайдиган ва шу тўловдан тушган даромад ҳисобига таъминловчи ташкилотлар купонни умумий асосларда банкдан оладилар.

Республика ҳудудида жойлашган, лекин иш ҳақини пул ўтказиш йўли билан бошқа ҳудудлардан оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга купонлар банк муассасалари томонидан белгиланган тартибда иш ҳақи учун ведомостлар кўрсатилгач берилади.

Ўриндошлик билан ишловчи шахсларга купонлар асосий иш жойидан умумий даромадга қараб, меҳнат шартномалари бўйича, иш ҳақи олувчиларга эса умумий асосларда берилади.

13. Жорий ойда фойдаланилмай қолган купонлардан кейинги ойларда фойдаланиш мумкин.

Ходимларга таътил маблағлари ёзилаётганда бериладиган купонларнинг суммаси ҳар бир таътил ойига алоҳида ҳисобланаётган суммалар асосида аниқланади.

Банклар ва корхоналар берган кредитлар, шунингдек, суғурта органлари томонидан тўланадиган суммалар купон билан таъминланмайди.

IV. БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР ҲАЖМИ

14. Бериладиган купонлар миқдори 2-иловага мувофиқ табақалаштирилган шкала бўйича иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа ҳисобланувчи қайд қилинган даромадларнинг (солиқларни, алиментларни ва бошқа ушлаб қолишларни чиқариб ташлаб) миқдорига боғлиқ бўлади, йириклаштириш қоидаларига мувофиқ тегишли миқдоргача йириклаштиради (5 сўмгача — кам томонга, 5 сўм ва ундан кўп бўлганда — кўп томонга).

Купонлар бир ойда бир марта берилади.

Купонларни дастлабки бериш 1992 йил 9 январгача, 1991 йил декабрь ойи учун тўланадиган иш ҳақлари, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа молиявий даромадлар ҳисобидан белгиланган миқдорларда, ушбу даромадларнинг 1992 йилда ошишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Февраль ойи учун купонлар 1992 йил 16 февралгача, март ойи учун 16 мартгача, кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда берилади.

Доимий иш жойига эга бўлмаган ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ўз маҳсулотини колхоз бозорида сотувчи ёки кооперативларга топширувчи ёҳуд муаллифлик гонорарлари олувчи шахсларга, шунингдек, республика ташқарисида ишловчи кишиларга купонлар уларни олишга рухсатнома кўрсатилгач, яшаш жойидаги банк муассасаларида шкала билан белгиланган миқдорда берилади (2-илова). Купонлар олишга рухсатнома солиқ инспекциялари томонидан берилган даромадлар тўғрисидаги маълумотномалар асосида яшаш жойидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмитасида берилади.

Муаллифлик гонорарлари олувчи фуқаролар давлат солиқ инспекцияларига даромадларни олган жойдан берилган ўтган йилдаги даромадлар тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этадилар.

Совет Армияси сафларидан демобилизация қилинган ва вақтинча (уч ойгача) ишламайдиган ҳарбий хизматчилар, ўз хоҳиши билан ёки қисқариш сабабли ишдан бўшаган ва вақтинча (бир ойгача) ишлаймайдиган фуқаролар, ёлғиз яшовчи кексайиб қолган фуқаролар ҳамда пенсия ва ижтимоий ёрдам олмайдиган фуқаролар, шунингдек, қамоқ жойларидан озод қилинган ва вақтинча (бир ойгача) ишламайдиган фуқаролар яшаш жойидаги маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмитаси ҳарбий билет, паспорт, меҳнат дафтарчаси, озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берган купонларни олишга рухсатномани кўрсатиб, банк муассасаларидан 150 сўм миқдорида купон оладилар.

«Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1991 йил 25 мартдаги 65-сон қарорига мувофиқ нафақа олувчи вақтинча ишламайдиган аҳолига купонлар 150 сўм миқдорида берилади. Бу Қонун қабул қилингандан кейин расман ишсиз мақомини олган фуқароларга купонлар белгиланган нафақанинг 100 фоизи миқдорида берилади.

Болага қараётганлиги учун таътилда бўлган аёллар ҳар ойда иш жойидан нафақа ва бошқа даромадларнинг, компенсация ҳам шу жумлага киради, 100 фоизи миқдорида купонлар оладилар. Бола уч ёшга тўлгунга қадар унга қараш учун ўз таътилини давом эттираётган, лекин бу нафақа ва компенсацияларни олиш муддати тугаганлиги учун уларни олмаётган аёлларга купонлар уларнинг иш жойидан 150 сўм миқдорида берилади.

Мавсумлар орасида мавсумий ишлар билан банд бўлган фуқаролар купонларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари берган рухсатнома асосида яшаш жойларидан ойига 150 сўм миқдорида оладилар.

Даромад манбаига эга бўлмаган ва оила қарамоғидаги уй бекаларига купонлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари берадиган маълумотномалар тақдим этилгач, банк муассасаларидан ойига 150 сўм миқдорида берилади.

Бензин учун пул компенсацияси олувчи ногиронларга купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида компенсация олинадиган жойда йилнинг ҳар чорагида бир марта берилади.

Болалар ассортименти товарларининг қимматлашганлиги учун нафақа олувчи болаларга купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорида, бошқа нафақалар учун эса белгиланган тартибда берилади.

Моддий ёки жисмоний зарар етказилганлиги муносабати билан фуқароларга бериладиган моддий ёрдам пули учун купонлар тўла миқдорда берилади.

Йил чораги, йил учун мукофотлар, мукофот пуллари ва моддий ёрдам пули учун купонлар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик миқдорида белгиланган шкала бўйича (2-илова) берилади.

Республика ҳудудида ишловчи ва сўмларда иш ҳақи олувчи чет эл фуқароларига купонлар умумий асосларда ишловчилар сифатида берилади.

Иш ҳақини сўмларда олмовчи, бироқ республикада яшовчи ёки хизмат сафарида бўлган чет эл фуқаролари банк муассасаларида эркин алмаштириладиган валютани белгиланган шкала бўйича миқдорда (2-илова) купон олган ҳолда тижорат курси бўйича сўмларга алмаштириш ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ўқув юртларида ўқиётган чет эл фуқароларига купонлар тўланадиган стипендиянинг 100 фоизи миқдорида берилади. Улар эркин алмаштириладиган валютани купон олган ҳолда сўмларга алмаштириш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

Республика ташқарисида вақтинча ҳарбий хизматни ўтаётган, оила аъзолари республикада доимий яшаётган фуқаролар хизматни ўтаётган жойидан иш ҳақи тўғрисида берилган маълумотнома асосида ҳарбий комиссарликлар берадиган рухсатнома бўйича банк муассасаларидан белгиланган шкала бўйича (2-илова) миқдорларда купон оладилар.

Чет элда ишлагандан кейин ёки навбатдаги меҳнат таътилига келган республика фуқаролари купонларни чет элга хизмат сафарига боргунга қадар ишлаган корхоналаридан, ҳарбий хизматчилар эса ҳарбий комиссарликлардан умумий асосларда оладилар.

Республика ҳудудида доимий яшовчи ва республика ташқарисида кўчиб ишлаб юрувчи шахслар даромадлари тўғрисидаги маълумотномаларни кўрсатгач, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари купон олиш учун берган рухсатномаларни кўрсатиб, банк муассасаларидан купонларни оладилар.

1 гуруҳ ногиронларга, шунингдек, интернат уйларда яшовчи ва тўла давлат таъминотида бўлган пенсионерлар ва ногиронларга купонлар ўзлари оладиган пенсия миқдорида берилади.

Муаллифлик кашфиётлари, ихтиролари, рационализаторлик таклифлари ва ҳокозо ҳисобига мукофотлар олувчи фуқаролар купонларни асосий иш жойидан умумий асосларда ҳамма даромадлари юзасидан оладилар.

Етим болалардан ва отаонасининг қаровисиз қолган болалардан бўлмиш талабалар ва ўқувчиларнинг, тўла давлат таъминотида бўлган талабалар ва ўқувчиларнинг стипендиялари тўла миқдорда купонлар билан таъминланади.

Мувақкат ижодий жамоаларнинг аъзоларига, шунингдек, пудрат шартномаси бўйича иш бажарувчи шахсларга купонлар асосий иш жойида ҳамма даромадлари юзасидан белгиланган шкала бўйича миқдорда (2-илова) берилади.

ВТЭК (меҳнат қобилиятининг йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссияси)дан қайта текширувдан ўтган ва пул даромадлари олмайдиган фуқароларга банк муассасаларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари томонидан берилган рухсатнома кўрсатилгандан кейин кўрикдан ўтишнинг бутун даври учун ҳар ойда 150 сўмлик купон берилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз ҳисобидан таътил олган ходимлари иш жойидан купонларни таътилга чиқишдан олдинги охирги ойда олинган белгиланган даромадлар суммасидан белгиланган шкала бўйича миқдорида (2-илова) оладилар.

Донорлар донорлиги учун даволаш муассасаларидан олинган сумманинг тўла миқдорида купонлар билан таъминланадилар.

Бошқа республикаларнинг узоқ муддатга (бир ойдан кўп) хизмат сафарига келган фуқаролари купонларни хизмат сафарига келган ташкилотлар ва корхоналардан ойига 150 сўм миқдорида оладилар.

Нақд пулсиз тартибда келадиган алиментлар белгиланган шкала бўйича миқдорда купонлар (2-илова) билан таъминланади.

15. Купонли карточкалар муомалага бланканинг 10, 25, 50, 100, 200 ва 500 сўмлик номинал қиймати билан чиқарилади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг кассаларидан купонли карточка беришда купонлар суммаси йириклаштириш қоидалари бўйича (5 сўмгача кам томонга, 5 сўм ва ундан кўп бўлганда кўп томонга сўмларда тегишли суммагача йириклаштирилади.

Карточкалар аниқ бир шахснинг номига ёзиб берилади ва раҳбар, бош бухгалтернинг имзоси ҳамда корхона, ташкилот ва муассаса муҳри билан тасдиқланади.

Йўқотиб қўйилган ва бузилган купонлар ва карточкалар тикланмайди.

V. КУПОНЛАРНИ ОЛИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

16. Купонлар республика ҳудудида жойлашган барча банк муассасаларида, шу жумладан, тижорат банкларида берилади.

17. Корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг бўйруғи билан купонларни олиш, сақлаш ва бериш бўйича масъул шахс тайинланади ҳамда унга шартнома бўйича жавобгарлик юклатилади.

Купонларни олиш ва бериш корхоналар томонидан алоҳида ҳисобга олиш дафтарида ҳисобга олинади. Ў номерланган, ип ўтказиб тикилган, муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳисобга олиш дафтаридаги варақлар сони корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Дафтардаги ёзувлар купонларни олиш ва бериш ҳуқуқини берувчи кирим-чиқим накладнойлари, сарфланган касса ордерлари ва тўлов ведомостлари орқали амалга оширилади.

18. Олувчига берилган купонларнинг номинал суммаси иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқаларни беришда тўлов ведомостида қўшимча равишда киритилган устун (қатор)да ёки бошқа тўлов ҳужжатида акс эттирилади.

Купонларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари (мулкчилик шаклидан қатъи назар) олдиндан берилган буюртмаларга мувофиқ нақд пул олинадиган банк муассасаларидан топшириқ бўйича оладилар.

Пенсиялар, нафақалар берувчи алоқа корхоналари уларга купонларни банк муассасаларидан ижтимоий таъминот органлари томонидан тузилган тўлов ведомостларига мувофиқ оладилар. Тўлов ведомостида берилиши лозим бўлган купонлар суммаси алоҳида устунда кўрсатилади. Пул ўтказиш операциялари бўйича купонлар бериш учун алоқа муассасалари томонидан резерв ташкил этилади.

Купонларнинг ҳосил бўлган камомади сарфланган қоғоз пулларнинг номинал қийматидан (яъни 1 сўмлик 1 купон учун — пул билан 1 сўм) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Купонларнинг берилган суммасини назорат қилиш учун банк муассасалари томонидан ордер расмийлаштирилади, унинг нусхаси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Купонларни ҳар гал навбатдаги олиш учун корхона олдинги даврда фойдаланилган купонлар тўғрисидаги маълумотнома билан биргаликда талабнома беради.

19. Олинган купонларни корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда сақлаш қиймат матбаҳо қоғозларни сақлаш тўғрисидаги йўриқнома ҳамда «Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Купонларнинг кирим дафтарига қайд қилиниши номинал қиймати бўйича кирим-чиқим накладнойлари асосида юритилади ва ҳисобга олиш 004 — «Қатъий ҳисобдаги бланклар» балансдан ташқари счётда амалга оширилади.

Давлат солиқ органлари кооперативлар, кичик корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги бошқа бўлинмаларни молиявий тафтиш қилганларида мажбурий тартибда олинган купонлар суммасининг иш ҳақи бериладиган тўлов ведомостларига мувофиқ келишини текширадилар.

Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилувчи ва текширувчи органлар ушбу тартибнинг бажарилишини назорат қилишга бурчлидирлар.

Купонларни бериш тугаллангандан кейин, бироқ улар банкдан олингандан 5 кун ўтмасдан, купонларни сақлаш ва бериш учун жавобгар шахс уларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузади. Корхона бухгалтерияси купонларнинг олиниши ва бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни текширишни амалга оширади.

20. Купонли карточкалар Ўзбекистон Республикаси Давлат банкининг буюртмаси билан босиб чиқарилади. Купонларни босиш, ҳисобга олиш, ташиш ва банкда сақлаш Ички ишлар вазирлиги, инкассация республика бошқармаси ҳамда уларни босиб чиқарувчи корхоналарнинг махсус назоратида бўлади.

Карточкаларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби республика банкларида бухгалтерия ишлари ҳисоб-китоблари режасини қўллаш тўғрисидаги кўрсатмаларга мувофиқ белгиланади.

Банк муассасасининг раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири купонли карточкаларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва уларни бериш қоидаларига қаттиқ риоя этилишини таъминлайдилар. Купонларнинг сақланиши учун моддий жавобгарлик касса мудири зиммасига юклатилади.

21. Банк муассасалари купонларнинг тўла инкассация қилинишини, сақланишини, кейинчалик эса уларнинг белгиланган тартибда иккиламчи хом ашё корхоналарига топширилишини таъминлайдилар.

22. Почта ташкилотларининг пул ўтказиш операциялари бўйича купонларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан белгиланади.

VI. КУПОНЛАРНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ВА ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ

23. Купонларни муомалага чиқариш ва уларни инкассация қилиш барча банк муассасалари томонидан амалга оширилади.

24. Сохта купонлари ясаш сохта давлат хазина билетларини ясашга тенг даражада қонун билан тақиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 2-илова

БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ДАРОМАДЛАР БЎЙИЧА КУПОНЛАР БЕРИШ СУММАСИНИ АНИҚЛАШ ШКАЛАСИ

Иш ҳақлари, пенсиялар ва бошқа белгилаб қўйилган даромадлар миқдори (солиқларсиз ва бошқа чегиришларсиз), сўм	Купонлар бериш миқдори, %
500 сўмгача	100
501—1500	500 сўм + 500 сўмдан ошган суммаҳинг 70 фоизи
1501—2000	1200 сўм + 1500 сўмдан ошган суммаҳинг 50 фоизи
2001—2500	1450 сўм + 2000 сўмдан ошган суммаҳинг 20 фоизи
2500 ва ундан кўп	1550 сўм + 2500 сўмдан ошган суммаҳинг 10 фоизи

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 3-илова

АҲОЛИГА КУПОНЛАРСИЗ СОТИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Белгиланган нормалар бўйича ва энг юқори нархларда сотиладиган товарлар:
ун
макарон маҳсулотлари
гуруч
мол ёғи
чой
қанд-шакар
тухум
гўшт ёки гўшт консервалари
ароқ
кир совун
калишлар
ип-газлама матолар (чит ва хомсурп)

болалар ассортименти (янги туғилган чақалоқлар учун комплект; ўғил болалар учун кўйлак ва шимлар; қиз болалар учун кўйлак ва юбкалар; 12 ёшгача бўлган болалар оёқ кийимлари; болалар пайпоқ буюмлари ва колготкалар

2*. Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари (врач рецептлари бўйича)
Кўмир, ўтин
Омухта ем, кунжара, шулха, барда, пиво қуйқаси
Гуллар, полиэтилен пакетлар, грампластинкалар
Илгари фойдаланилган, воситачи магазинларда сотиладиган товарлар

Келин-куёвлар учун дўконлар ва бўлимлардаги товарлар, шунингдек, маросимлар учун кўзда тутилган товарлар (маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмиталарининг маълумотномалари бўйича)

Матбаачилик маҳсулотлари
Дорихоналарда, «Оптика» магазинларида сотиладиган дори-дармон воситалари ва бошқа товарлар, протез-ортопедия корхоналарининг маҳсулотлари

Тоғширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига алмаштириб сотиладиган товарлар

Кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан ишлаб чиқарилган ва улар ўзлари мустақил равишда сотадиган товарлар, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган ва колхоз бозорида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

Тижорат нархларида сотиладиган нефть маҳсулотлари.

* Талон ва купонлар кўрсатилмасдан сотиладиган товарлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 4-илова

АВТОБЕНЗИН УЧУН ТИЖОРАТ НАРХЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Ҳаққулов Қ. Ж.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — комиссия раиси

Мўминов Ё. Т.
— Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси раиси — комиссия раисининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Сандумархўжаев А. С.
— Давлат нархлар қўмитаси раисининг ўринбосари

Гуськова Т. Н.
— Молия вазирининг биринчи ўринбосари

Тошхўжаев Х. Х.
— Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Йўлдошев А. Т.
— Молия вазирлиги Бош бюджет бошқармасининг бошлиғи

Сноведская А. И.
— Давлат нархлар қўмитасининг бўлим бошлиғи

Цхай В. П.
— Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси иқтисодий ривожланиш ва молия бўлимининг бошлиғи, комиссия котиби

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 5-илова

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1992 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

Ҳамидов Б. С.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — умумиқтисодиёт комплекси раҳбари

Муталов А. М.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — халқ истеъмоли моллари, савдо ва пулли хизматлар комплексининг раҳбари

Самандаров Э. С.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплексининг раҳбари

Отажонов А. Р.
— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — меҳнат вазири

Боқибоев Э. Ж.
— молия вазири

Усмонов М. З.
— савдо вазири

Волков Г. Г.
— Ўзбекбирлашув раиси

Муллажонов Ф. М.
— Ўзбекистон давлат банки бошқаруви раиси

Азимов Т. С.
— Ўзбекистон саноат-қурилиш банки бошқаруви раиси

Аҳадов А. А.
— Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки бошқаруви раиси

Раҳматуллаев Ў. Қ.
— Ўзбекистон жамғармалар банки бошқаруви раиси

Ҳўжаева С. А.
— ижтимоий таъминот вазири

Раҳимов К. Р.
— алоқа вазири

Алматов З. А.
— ички ишлар вазири

Алламуродов Б. А.
— Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси

Ҳаитбоев Э. Қ.
— ЎзТАГ директори

Ҳайдаров Т. Ҳ.
— республика пенсия фонди раиси

Аҳмедов Қ. А.
— Давлат нархлар қўмитаси раиси

Мўминов Ё. Т.
— Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси раиси

НАВОИЙ ЁҒДУСИ

Маълумки, Ўзбекистон Президентининг Фармони билан 1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинган эди.

Ҳамма ерда бўлганидек, мактабимизда ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган конференциялар, мушоиралар ўтказилди. Биз одобнома дарсларида ҳам Алишер Навоий рубоийлари, ғазаллари, ҳикматларидан самарали фойдаландик. Дарсларимизга отаоналар, ўқитувчилар, тарбиячилар ташриф буюришди.

Алишер Навоий ижоди тубсиз уммонга ўхшайди. Унда инсонпарварлик, адолат, барча эзгу хислатлар тараннум этилган, ёвузлик қораланган. Биз болаларга отаонани ҳурмат қилишга онд рубоийларни тушунтирар эканмиз, уларда чин инсоний хислатларни тарбиялашга алоҳида аҳамият бердик.

Ҳозирги кунда миллий мактаб тўғрисида кўп сўз юритилмоқда. Биз келгусида ҳам Алишер Навоийнинг пайғамбар ҳадисларига ҳамоҳанг юксак ғоявий асарларидан кенг фойдаланамиз.

Мен Янги йил кунлари ҳамкасбларимни муборакбод этарканман, уларга эзгулик уруғларини ёш авлод онгига сингдиришда улкан муваффақиятлар тилайман.

Дилором ҲАКИМОВА,
Избоскан ноҳиясидаги 2-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

Ҳурматли Сафар МАМАШОЕВ!

Сизни кўп йиллардан буён ҳамкасб педагог, устоз-муаллим сифатида яхши биламиз. Чунки сиз халқ фарзандини тарбиялашда, ҳамкасбларингизга ўрнак бўлиб, оғир, синовли йилларда тажрибангиз, билимингиз билан бошқаларни ҳам ўзингиздек бўлишга одатлантирдингиз.

Айниқса, Нишон ноҳияси халқ таълими бўлими мудири бўлиб иш бошлаганингиздан буён ўтган йиллар бадалида таълим тизимини йўлга қўйиш учун қатор ишларни амалга оширганлигингиз биз педагогларда келажакка умид, ишончни уйғотди, десак муболаға бўлмайди.

Ҳа, ноҳиямизда ўша даврда олтита мактаб бўлса, эндиликда уларнинг сони йигирма саккизтага етди. Сизнинг беминнат қилган хизматларингиз халқимиз томонидан кўп бор тақдирланган.

Нишон ноҳияси халқ таълими бўлими муаллимлар жамоаси сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан муборакбод этади ва сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

Қутлайман!



МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Қишки таътилнинг гашти ўзгача. Бу пайт болаларни на ойнаи жаҳоннинг жозибали кўрсатувлари, на ота-онанинг турли-туман совғалари уйда ушлаб тура олади. Юрагида ўти бор, қалби чексиз хаёлларга бой ҳар қандай бола кўчага ошиқади. Цирк ва театр остоналаридан ҳатлайди. Ўз тасаввурининг рўёбини кутади. Ақл бовар қилмас саргузаштлар, сирли ва ғаройиб эртаклар оламига киришни илҳақ кутадилар. Дунёда бола олдида бебурд бўлишдан ортиқ жазо бўлмаса керак, катталар учун. Ана шуни яхши тушунган Тошкент давлат цирки ҳамда Й. Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри истеъдодли санъаткорлари болажонларни ноумид қилмадилар. Биз ҳар иккала даргоҳнинг бош режиссёрлари билан суҳбатлашиб, таътил пайтида болажонларни қандай томоша ва спектакллар кутаётганини сўрадик.

— Бизнинг томошаларда кўтаринки кайфият ҳоким, —дейди Тошкент давлат цирки бош режиссёри Раҳматулла Насриддинов. — Циркда Янги йил дўстлик гастроллари кетмоқда. Москва, Болтиқбўйи, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон ва бошқа мустақил республикалардан ажойиб цирк артистлари ташриф буюришган. Баҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамкорликда «Сеҳрли найча» номли саргузашт спектакль қўйилди. Унинг сценарийсини москваликлар олиб келгани туфайли биз унга миллий руҳ бердик. Бир қатор ўзбек персонажларидан қўшдик. Жумладан,, асарни миллийлаштиришда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Тошкенбоев бош режиссёрлик қилди. «Сеҳрли найча» спектаклига Хўжа Насриддин (чавандоз Анвар Зарипов) образи киритилган томошани бағоят бойитди. Қизиқчи-масхарабозлар (Улуғбек Зарипов, Э. Ширинов, Ф. Галимов) спектаклга янада жозиба қўшдилар. Айниқса, чавандозлар сулоласи Зариповлар болаларга ажойиб туҳфа тайёрлашди.

«От устида ўйин» деб номланган ажойиб номер Карима Зарипова томонидан моҳирлик билан ижро этилади.

— Албатта, спектаклнинг марказий роллари Қорбобо ва Қорқиздир, — давом этди Раҳматулла ака. — Қорқиз ролида ажойиб артист Марина Пузакова, Қорбобо ролида эса камина иштирок этади. Шунинг учун, мен Қорбобо, барча болаларни ота-оналари билан биргаликда мўъжизалар майдони — севимли циркка таклиф қиламан. Армонда қолмайсиз!

Биз эса навбатдаги сўзни ёш томошабинлар театри бош режиссёри Рустам Обидовга беришдан аввал, шуни эслатиб ўтмоқчи эдикки, Қорбобо Сизни 12 январгача ҳар куни 4 маҳал кутади, яъни «Сеҳрли найча» кунига тўрт маротаба қўйилади.

— Биз ҳам 10 январга қадар ўз мухлисларимизни таклиф қиламиз, — дейди бош режиссёр. — Фақат биргина театримиз даргоҳида эмас, балки Мустақиллик майдони, Ўзбекистон миллий боғи, Баҳор концерт залида ҳамда турли мактабларда жамоамиз томонидан қўйиладиган эртак-саргузашт спектакллар тайёрланган. Жумладан (В. Орлов) «Олтин жўжа саргузашти», «Арча атрофида ўйин», «Бўри ва Қорбобо» (Омон Шарипов), «Янги йил саргузашти», «Арча байрами» (Р. Обидов) ва бошқа қизиқарли спектакллар ҳамда томошалар намойиш этилади.

Ш. ИКРОМОВ,
мухбиримиз.

Муҳаммад пайғамбар қиссаси

МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

Мамлакатимизда ошкоралик туфайли халқимиз эркин нафас олиши, ўз қадриятларидан баҳраманд бўлиши учун имконият яратилди. Етмиш тўрт йил давомида тақиқлаб келинган диний таълимотлардан баҳраманд бўлаётган, ўз миллий урф-одатлари, анъаналарини тиклаётган халқимиз қувончининг ниҳояси йўқ.

Таҳririятимизга келаётган мактубларда жамиятимизда жиноятчилик, ахлоқсизлик, ўғрилик, порахўрлик ва бошқа иллатларнинг авж олиш сабаблари имон-эътиқоднинг йўқлигидан келиб чиқаётганлиги асосий сабаблардан бири деб кўрсатилмоқда.

Шунинг учун покланиш, маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлиш йўлида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, бу борада дадил қадам ташлаш зарурлиги таъкидланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Чилонзор ноҳиясидаги Одил Қаюмов номли 131-мактабнинг журрофия фани ўқитувчиси Эркин Қозоқов дарсларда рўзномада чоп этилаётган ҳадислар тарбиявий ишларда яхши асқотаётганлигини мамнуният билан ёзган.

Ҳозирги кунда турли нашриётлар томонидан чоп этилаётган ҳадислар, диний китоблар иштиёқ билан ўқилмоқда, қўлма-қўл бўлиб кетмоқда. Бу ўринда «Камалак» нашриёти томонидан чоп этилган Билкиз Аладдин қаламига мансуб «Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар» китоби алоҳида эътиборга лойиқдир.

Китобга Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф сўзбоши ёзганлар. Сўзбошида таъкидланганидек, қиссани ўқиган киши пайғамбаримизнинг беғуборлиқ нури билан йўғрилган болалиги, комилликка интилиши, ниҳоят, ҳақ таолонинг ердаги элчиси эканлиги, ягона Аллоҳни ва унинг сўзларини тарғиб этишда нечоғли қийинчиликларга дуч келгани, аммо эътиқодда собит қолганидан воқиф бўлади.

Китобни инглиз тилидан ўзбекчага ўгирган иқтидорли шоир Жамол Камол мухтасар изоҳида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «...тарихни — инсоният маънавий ривожи босқичларини кенг ва чуқур ўрганайлик. Шунда ҳақиқат рўёбга чиқади ва биз ўтмиш аждодлар иззатини ўрнига қўйганимиздек, келажак наслар ҳам бизни ҳурмат билан эслашади».

Рўзноманинг шу сонидан бошлаб «Муҳаммад пайғамбар қиссаси»дан парчалар бериб борамиз.

АРАБИСТОН

Арабистон — Осиё қитъасидаги кичик ярим орол, уни уч томондан Араб денгизи, Қизил денгиз ва Форс кўрфазининг беором сувлари муттасил ювиб туради. Бу ғоят қадимий ва хосиятли тупроқ, унинг тарихи чўзилгандан чўзилиб, ер юзида биринчи одамзод бўлмиш Одам Ато замонасига бориб тақалади.

Ярим оролнинг талайгина қисмини саҳро ва чўллар қоплаган. Лекин оз бўлса-да, унумсиз даштга яшил ямоқ бўлиб тушган обод воҳалар, энсиз ҳосилдор ерлар учрайди.

Саҳрода ҳаёт машаққатли кечади. Қуёш кун бўйи аёвсиз қиздиради, лекин қош қорайгач, қум уюмлари тез совуйди, саҳрога этни жунжуктирадиган салқин тушади. Шунинг учун бу ерда ўсимлик яхши ўсмайди. Унда-бунда тиккайиб хурмо ўсади. Одамлар қадимдан хурмо еб, туя сути ичиб тирикчилик қилишади. Улар қўй-эчки боқиб, жун йигиришади. Топган-тутганларини теваларга ортиб, карвон бўлиб, ўзга шаҳарларга боришади, молларини буғдой, гуруч, кийим-бош ва бошқа зарур нарсаларга айрибош қилишади.

Қизил денгиз соҳили бўйлаб чўзилган, ҳозир Саудия Арабистони таркибига кирувчи ерлар ҳижоз деб аталади. Ҳижоз дунёга икки шаҳар — Макка ва Мадина билан машҳур. Савдо карвонлари ҳамиша ана шу шаҳарлар орқали ўтади. Дунёнинг тўрт томонидан чиққан мусулмонлар Макка зиёратига — Ҳажга боришади. Бекка водийсида жойлашган Макка — Муҳаммад пайғамбар туғилиб, кўз очган шаҳар. У яна шунинг учун ҳам машҳурки, Каъба деб аталмиш қадимий муқаддас иморат шу ерда қад кўтарган.

КАЪБА

Жуда қадим-қадимдан, биринчи одамзод бўлмиш Одам Ато замонидан бошлаб Каъбани азиз санаб, Худонинг уйи деб аташган. Ривоятларга қараганда, уни Бекаа водийсида Одам Ато бунёд этган, аммо иморат Нуҳ тошқини туфайли бузилиб, вайрон бўлган.

Кейин бир неча асрлар ўтиб, Иброҳим пайғамбар (уни христианлар Абраҳам дейишади) бу водийга қадам қўяди. Тангри унга, Каъбани Одам Ато қурган ерда тиклагил, деб буюради. Ҳазрат Иброҳим ўша жойнинг қайдалигини аниқ билолмайди. Шунда бир парча бўз булут унинг олдига тушиб, йўл бошлайди. Иброҳим ўз қўли билан Каъбани қайта қуради. У ўғли Исмоил билан атрофтеваракдаги тоғлардан тош кесиб, елкасида ташиб келтиради. Тангри кўкдан метеорит — кумушранг ёғду сочиб, товланиб турувчи гавҳар тош ташлайди. Иброҳим уни олиб, иморатнинг бир бурчагига бостиради. Бино тўғри бурчакли бўлиб қад кўтаради ва «Каъба» деб аталади. Ундаги гавҳар тош ярқираб, атрофни ёритиб туради. Ўша атроф «Ҳарам» ёки «Муқаддас макон» деб юритилади. Метеоритни халқ «Муқаддас Қора Тош » ёки «Хажар-ал-Асвад» деб атайди.

Иброҳим Худо олдида тиз чўкиб, дейди: «Ё Худо, биз иморатни қуриб битирдик. Марҳамат қилиб, уни қабул эт!» Худо Иброҳимга дейди: «Мендан ўзгага сиғинма. Уйимни зиёратчилар учун ҳамиша тоза тут. Менинг қаршимда қўл қовуштир, ибодат қил, таъзим бажо айла! Одамларга айт, тоғ-довонлардан ошиб, даралардан кечиб, яёв ёки туя миниб, зиёратга келишсин».

Сўнг Иброҳим Каъбанинг атрофидан — унинг Қора Тош қўйилган бурчагидан бошлаб, етти бор айланади. Етти бор Сафо тоғига, етти бор Маъво тоғига чиқади. Сўнгра етти бор Арофат водийсига боради. Бу — биринчи ҳаж, биринчи зиёрат эди. Шундан сўнг теварак-атрофда яшовчи араблар ҳам келишиб, Иброҳимга эргашиб, бу ерни тавоф, зиёрат қила бошлайдилар.

АРАБЛАР

Хазрат Иброҳим ва Исмоилдан сўнг яна кўп пайғамбарлар ўтишади. Улар орасида Мусо, Довуд, Сулаймон, Закария, Яҳё ва бошқалар бор эди.

Замонлар ўтиб, араблар худони унутишади. Тўғри, улар оламни яратган воҳид худо борлигини билишар ва уни олий мавжудот сифатида тан олишар эди. Улар парвардигорни ўртага қўйиб, қасам ичишар ва барча битим ҳамда ҳужжатларни унинг номи билан боғлашар эди. Чунончи, улар ҳар гал «Бисмика аллаҳумма» дейишарди. Бунинг маъноси «Сенинг номинг ила, эй худо» демак эди. Лекин улар юлдузлар ва фаришталарга сиғина бошлашади. Фаришталарни «илоҳалар, яъни худонинг қизлари» дейишади. Уларнинг бош илоҳалари ал-Лут ва ал-Узза эди. Ўшаларнинг улкан мармар ҳайкалларини ясаб, Каъбага қўйишади. Ўшанда араблар орасида одоб-ахлоқ бениҳоя бузилган, турли қабилалар ўртасида уруш-талашлар тўхтовсиз давом этар эди.

Улар орасида болакушлик расм бўлган эди. Бунинг маъноси шуки, болаларни ўлдиришар ёки тириклайин ерга кўмишарди. Уларнинг ҳаёти зулм ва бағритошлик, куфр ва гуноҳлар билан тўлиб-тошган эди. Қулчилик авж олган эди. Улар қул сотар ва қул сотиб олишар, қулларга ҳайвондек муомала қилишар, уларни аёвсиз калтаклашар эди. Чўри қизларни ифлос ишларни бажаришга мажбур этишар, агар бўйин товлашса, уларни қийнашар, баданларига қизиган темир билан тамға босишарди.

Муҳаммад туғилишидан қирқ беш кун олдин Яманнинг ҳабаш ҳукмдори Абраҳа катта қўшин билан Маккага ҳужум қилади. У Каъбани бузиб ташламоқчи эди. Унинг қўшинида аскарлар ва туялардан ташқари филлар ҳам бор эди. Ўшангача араблар филларни кўришмаганди. Шунинг учун улар қўрқиб қолишади, жангга киришга ботинолмай, Каъба олдига келиб, ғуж бўлиб олишади. Шунда ҳеч қутилмаган ҳавода ғалати қушлар пайдо бўлиб, Абраҳа қўшини устига тош ёғдира бошлайдилар. Тошлар ерга тушаркан, ўт олар, тупроқ ҳам, ҳаво ҳам аланга ичида қолган эди. Абраҳа ва унинг қўшини қирилиб, ҳалок бўлади. Ана шу воқеадан қирқ беш кун ўтгач, гўдак Муҳаммад дунёга келади.

ҲУСНИДДИННИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

Зулхуморнинг Ҳусниддин билан турмуш қурганига ўн беш йилдан ошди. Бу орада улар беш фарзандли бўлишди Таниш-билишлари-ю, маҳалла аҳли улар оиласига, бир-бирига бўлган иззат-ҳурматига ҳавас қилардилар. Аммо...

Одамга баъзан ишлаш жойи, у ердагиларнинг таъсири ҳам кўчли бўларкан. Ҳусниддин бошқа мактабга ишга ўтди-ю, тўнини тескари кийиб олди. Ишдан кеч келадиган, ҳуда-беҳудага кўпол сўзлар айтиб, Зулхуморнинг нозик қалбига озор етказадиган одат чиқарди. Ҳатто болаларини турткилаб урушадиган кунлари ҳам бўлди. Натижада эру-хотин орасидаги самимиятни кўп шубҳалару, гумонлар эгаллай бошлади. Бора-бора Зулхумор унинг келишини қўрқув билан кутадиган бўлди. «Қозонга яқин юрсанг қораси юқар» деганлари рост экан. Унинг янги дўстлари такасалтанг, юлдузни бенарвон урадиган йигитлар эди. Гарчанд мактабда ишласа-да, бири нонвойчилик қилар, бошқаси гул олиб гул сотар, шаҳарма-шаҳар кезиб юрадиганлардан эди. Кеч ўша дўстлари билан келиб, овқат қил, газак тайёрла, деб бақирар эди. Зулхумор гўё даҳшатли бир туш кўраяпти-ю уйғонолмай, изтироб чекаётган одамдай эди. У тунги бедорликдан кўзлари қизариб ишга бораркан, куни бўйи чиройи очилмай, ўзи билан ўзи хаёлан банд эди. Ахир у қайнона-қайнотали келин бўлишни орзуламаганмиди? Афсуски, улар оламдан эрта ўтишди. Эҳтимол ҳозир бўлишганида, эрини инсофга чақирган бўлишармиди. Балки бугунгидек «Хотин киши эрини суриштирмайди, нима, оч қолаяпсанми? Еганинг олдингда, емаганинг ортингда, ҳамма нарсанг бор», деган Ҳусниддиннинг сўзларини эшитмасмиди. Бир куни у «дадаси, балки ўша олдинги мактабингизга, эски ҳамкасбларингиз олдига қайтарсиз, деб кўрди, аммо унинг гапини тинглагани ҳам йўқ Ҳусниддин.

«Қайнонали келин— қарқара келин, қайнонасиз келин — масхара келин» деганларидай, ойижон, мен қўни-қўшнилар олдида масхара бўлиб қолдим, деб суратга тикилиб йиғларди Зулхумор.

Тунги меҳмонлар тонг отишига яқин жўнашди. Ҳусниддин кайф аралаш тўлғана-тўлғана қарталарни тахлар, ютиб олган икки минг сўм пулини қидириб, Зулхуморни бақириб-чақирди. Чўчиб турган Зулхумор дастурхонни йиғиштириб бўлгач, эрига қўшилиб пулни қидирди, аммо пул топилмади.

Ҳали ғира-шира тонг отмаган паллада болаларини ҳам уйғотди, санлар олгансан овқат олиб кирганингда, дедию, ўзини ўринга ташлаб оғзидан бадбўй ҳид чиқариб ҳурракни отди. Тонг отгунча она-болалар пул қидиришди, аммо йўқ пул қаердан топилсин? Тонг отгач Зулхумор эрини уйғотмай ишга жўнади, лекин қоронғу кўнгли куни бўйи ёришмади, бу дунёдан тўйган одамдай эди. Гўё ҳамма нарсадан қизиқиши сўнгандай эди. Лекин бир умиди барибир уни тарк этмаганди. «Йиғлаган кўзга ёш, еган оғизга ош» деганлар. Нега йиғлаяпман? Нега бу қадар тушкунликка бериldим? Балки эримга инсоф берар, кеча ахир маст эди-ку. Раҳматли онам, сендан кўнглим тўқ, Ҳусниддин яхши йигит, болам-чақам дейди, ичибчекиб кўчада юрмайди, энг муҳими, сени тушунади», демаганмидилар?

Қани энди мени тушунса, ойижон? Энди у улфатларини, пулни тушунади... Пулни Зулхумор акаларидан ҳам олиб келиб бериши мумкин. Агар шундай қилса Зулхумор эри айтгандай ростдан ҳам пулни олган бўлиб чиқади. Ундан кейин акалари ҳам нима дейди. Тўкис оилада тарбияланиб, бировнинг тийинига кўз олайтирмаган сингиллари ўз эрининг пулини ўғирлайдими? Зулхумор ҳамон эсида: кичик акаси Назиржон болалик пайтида йўлдан уч сўм пул топиб уйга югурганда, уни дадаси кўриб урушиб, шундай деганди: Дарров жойига олиб бориб қўй, ё бўлмаса маҳалла комиссияси олдига эълон ёзиб кел. Қайси бир бечораникидир бу пул. Балки охиргисидир?.. «Бировнинг бири сенинг мингингни сўради». Назиржон дадаси айтганидек қилган ва бу гап ҳаммаларига сабоқ бўлганди.

Руҳий азобда қолган Зулхумор, ишдан уйи томон бораркан, эрининг кечаги қилиғи кўз олдидан кетмасди. Балки кайфи тарқаб ўзи айтган сўзидан уялар, у? Балки олдингидек меҳрибон ота бўлиб болаларга қараб ўтиргандир, ҳозир?... У уйга кириб ҳали оёқ кийимини ечмаган ҳам эдики, эри қаршисига отилиб чиқди:— Мен бугун фолбинга бордим, хотининг ўғирлаган деди, пулни бер тезроқ, бўлмаса ҳозир...

Зулхумор нафаси бўғилди, боши айланди, у гувоҳсиз ўғри бўлди-қолди! Яна ўн беш йиллик ёстиқдоши, болалари олдида! Шунча йил яшаб бир тийинга хиёнат қилмадим, уйим-жойим деб нима топсам олиб келсам-у, бир фолбинга ишониб, менга ишонмаса у... Қулоғига болаларининг ойижон, биз сизга ишонамиз, деган сўзлари узоқдан келгандай эшитилди. Элас-элас қушчанинг саси ҳам келди. Қушча бахтли, унга ҳеч ким туҳмат қилмайди, мен-чи, мен ўғри деган ном олдим, у бу гапга ҳеч чидолмасди, юрак бағри ёнарди. Сочлари ҳурпайиб, кўзи ола-кула Ҳусниддин сен олгансан, тезроқ топ, ўғри деган сўзларни ҳамон такрорлаётгандек эди! Ойим айтар эдилар-а, болам сочингни қуруқ тарама, деб. Қуруқ туҳматга қоласан». Ҳа, тўғри ҳозир сочларим кесилган, йўлдами, автобусдами тараб кетавераман, олдинги аёлларимиз бир ҳафтада ювиб майдалаб ўрардилар сочларини. Балки ростдир, бирники мингга, мингники туманга деганлари.

Шу куюниш билан уйларига яқин жойда оқадиган анҳор бўйига бориб етганини билмай қолди у. Қандайдир куч Зулхуморни орқага қарашга мажбур этди, бу болаларининг меҳри эди. Унинг хаёлида олдинги мулойим Ҳусниддин, қайт Зулхумор ҳазиллашдим, дейишини кутарди, аммо айтгани бўлиб чиқмади. Ўзи кўраётган даҳшатли тушидан уйғонолмади... Ҳусниддин иккиликка берилгандан кейин одамийликни ҳам йўқотган эди. Зулхумор учун туҳматдан ўлим афзал эди.

Тонг отганда Ҳусниддин совуқ сув ичиш учун туриб қараса, Зулхумор ёнида йўқ. У ростдан ҳам васвасага тушиб, шошиб қолди. Ишига қўнғироқ қилар, аммо ҳали вақтли бўлганидан ҳеч ким телефоннинг дастасини кўтармасди. У ёқ бу ёққа алангларди. Кун ёришиб кетди ҳамки, хотинидан дарак йўқ... У онасининг уйига борди, аммо у ёрда ҳам йўқ. Энди Ҳусниддиннинг ҳақиқий кайфи учиб кетганди. Турли ваҳималар ичида оташ бўлиб ёнди. Ва...

Ғаввослар уч кун деганда сувдан Зулхуморнинг мурдасини топиб чиқдилар. Олам титради, одам титради... Зулхуморни сўнгги манзилга кузатиш пайтида улфатларидан бири Ҳусниддиннинг қўлига «ма, оғайни, ўша куни ҳазиллашиб олиб кетгандим, маъракасига ишлатарсан» деб қўлига «ўша» икки минг сўм пулни тутиб кетди. Ҳусниддин икки минг сўм пул деб бой бериб қўйдими гўзал турмушини, ёки ундан олдинроқми, ажратолмай гаранг эди. Ҳа, одамга ишлаш жойи, у ердаги ҳамкасбларининг юриш-туриши-ю қизиқиш ва интилишларининг таъсир кучи бениҳоя экан. Бежиз айтишмаганда ахир, ўртоқларинг кимлигини айт, сенинг кимлинингни айтиб бераман, деб. Аммо биз ҳамиша ҳам ўртоқларимиз кимлигини дил-дилимиздан тан ололмаймиз. Шундай эмасми?..

Саломатхон ҲАСАНОВА.

ОЛИМНИНГ ЁРҚИН ХОТИРАСИ

Фанимиз оғир жудоликка учради. Кўзга кўринган етук олим, меҳрибон устоз, Ўзбекистон Жумҳуриятида қаттиқ жисмлар физикаси ва химияси соҳасининг тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган ажойиб инсон, физика-математика фанлари доктори, профессор Маҳмуд Аскарович Маърупов бевақт вафот этди.

У 1969 йилдан то умрининг сўнгги кунларигача Тошкент давлат дорилфунуни физика куллиётининг умумий физика кафедрасини бошқарди. У собиқ СССР Фанлар академияси илмий кенгаши органик ярим ўтказгичлар секцияси, СССР Олий ва ўрта махсус таълим нозирлиги ўқув-методик бошқармаси қошидаги физика бўйича илмий методик-кенгаш президиуми аъзоси, шу илмий-методик советнинг Қозоғистон ва Ўрта Осиё зоналари бўйича физика бўлимининг раиси, физика-математика фанлари соҳаси номзодлик ҳимоялари бўйича махсус советнинг раиси эди.

М. Маърупов ўз илмий фаолияти жараёнида 130 дан ортиқ илмий мақолалар, 3 та монографик обзор, ихтирочилик бўйича 15 та муаллифлик гувоҳномалари соҳиби эди.

Унинг илмий раҳбарлигида бир неча фан номзоди ва докторлари етишиб чиқди.

М. Маърупов фундаментал илмий-тадқиқотларида биринчи бўлиб олдиндан белгиланган электр ва бошқа физикавий ҳамда химиявий хусусиятларга эга бўлган композицион электр ўтказувчи ва полимер материаллар олиш муаммолари ечимини физик жиҳатдан исботланган ва тажрибавий йўл билан тасдиқланган янгича қараш назариясини яратган.

Унинг фандаги хизматлари муносиб тақдирланган. У бир неча фахрий ёрлиқлар билан мукофотланганди.

Маҳмуд Маърупов ёш олимлар ва талабаларга доимо дўст ва меҳрибон, бағри кенг маслакдош эди.

Олим қисқа ва лекин ибратли ҳаёт кечирди. Унинг ёрқин хотираси у яратган илмий мактаб давомчилари бўлмиш шогирдлари, дўст-бирodарлари, ҳамкасблари, қариндош-уруғлари қалбида абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ ҲАМКАСБ ВА ШОГИРДЛАРИ.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ФАЙЗУЛЛО ХУЖАЕВ НОМИДАГИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» НИШОНЛИ БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ БЎШ ТУРГАН ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИГА:

— профессор.
Қимё кафедрасига:
— доцент (2 нафар).
Психология кафедрасига:
— доцент;
— ўқитувчи.
Бошланғич синфлар педагогикаси кафедрасига:
— доцент (3 нафар);
— ўқитувчи.
Хор дирижёрлиги кафедрасига:
— доцент.
Қуллиётлараро жисмоний тарбия кафедрасига:
— катта ўқитувчи;
— ўқитувчи.
Қуллиётлараро рус тили кафедрасига:
— катта ўқитувчи.
Анатомия ва физиология кафедрасига:
— ўқитувчи.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Аризалар қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади: Бухоро шаҳри, Ўзбекистон 40 йиллиги кўчаси, 11-уй, Бухоро давлат педагогика олий билимгоҳи 204-хона, ходимлар бўлими. Телефон: 3-23-17.

Бош муҳаррир ўринбосари ҚАМБАР ОТА.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12